

**Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низом**

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом (кейинги ўринларда-Услубий низом) фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувини ташкил этиш учун танланма тўпламни шакллантириш тартибини, шунингдек, танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш ва кузатув натижаларини Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаси бўйича тегишли йилнинг январь-март ва январь-сентябрь ойлари якунлари ҳисоб-китобларида қўллаш тартибини ўз ичига олган комплекс ҳужжат ҳисобланади.

Услубий низом асосий турдаги деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш мақсадида тезкор маълумотларни йиғиш механизмини белгилайди.

Танланма кузатувларни ўтказиш механизми танланма кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари бўйича ифодаланган ва давлат статистика органлари томонидан тегишли ҳисобот даврида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш имконини берувчи ишончли статистик маълумотларни олиш учун мўлжалланган.

Мазкур Услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, хусусан, фермер хўжаликларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлараро статистика қўмитаси (МДХ статистика қўмитаси)нинг методологик тавсияларидан, шунингдек, МДХ давлатларининг тажрибаларидан фойдаланилган.

Кузатувларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган “Давлат статистика ишлари дастури” қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

I боб. Умумий қоидалар

1. Фермер хўжаликлари кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш республика ва ҳудудлар даражасида “Давлат статистика ишлари дастури”да ва “Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да тегишли йил учун белгиланган муддатларда амалга оширилади.

2. Кузатувлар махсус статистик саволномаларни фермер хўжаликлари томонидан ўзлари тўлдириши усулига асосланади ва танлаб олинган фермер хўжаликларининг унда ихтиёрий равишда қатнашиши асосида ўтказилади.

3. Статистик саволнома интернет тармоғи воситасида, eStat автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

4. Кузатув даврида олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича, туман ва шаҳарлар кесимида фермер хўжаликлари фаолиятининг қуйидаги умумий кўрсаткичлари шакллантирилади:

а) асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили:

- дон ва дуккакли дон экинлари, жами;
- шу жумладан бошоқли дон экинлари;
- шундан буғдой;
- маккажўхори дон учун;
- шоли;
- дуккакли дон экинлари, жами;
- картошка;
- сабзавотлар, жами;
- озиқбоп полиз, жами;
- мевалар ва резаворлар, жами;
- узум.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғиб олинган ялпи ҳосили асосий, такрорий, оралик, қатор оралиғи экинлари ва ёпиқ ерлардан дастлабки кириш қилинган вазнда йил бошидан ўсиб боровчи якунда ҳисобга олинади.

б) асосий турдаги моллар, барча турдаги паррандалар бош сони:

- йирик шохли қорамоллар, жами;
- шундан сигирлар;
- қўй ва эчкилар, жами;
- чўчкалар;
- отлар;
- паррандалар, жами.

Моллар ва паррандалар бош сони кузатув кунига ҳисобга олинади.

в) асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш:

- гўшт, жами, тирик вазнда;
- сут, жами;
- тухум, жами;
- жун, жами;
- қорақўл тери;
- асал;
- овланган балиқлар.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари йил бошидан ўсиб боровчи якунда ҳисобга олинади.

II боб. Фермер хўжаликлари танланма тўпламини шакллантириш

5. Кузатувлар йилда икки марта 1 апрель (биринчи кузатув даври) ва 1 октябрь (иккинчи кузатув даври) ҳолатига кўра республиканинг фермер хўжаликлари мавжуд бўлган барча туман ва шаҳарларида ўтказилади.

6. Биринчи даврда танланма тўпламга киритилган хўжаликлар иккинчи даврда танланма тўпламга киритилмайди. Фермер хўжаликлари, агар туман ёки шаҳар бўйича мавжуд хўжаликлар сони белгиланган сондан кам бўлса, кузатувларда такроран иштирок этади.

7. Ҳар бир туман, шаҳар бўйича танланма тўпламни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

8. Фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш учун **мунтазам (механик) танлаш усулидан** фойдаланилади. Мунтазам танлаш танланмани тузиш жараёнини яхшироқ кузатиш ва танланма тўпландаги хатоликлардан чекиниш имконини беради, шунингдек, географик тақсимотни таъминлаш хусусиятига эга.

9. **Танлаш ва кузатув бирлиги** бўлиб, фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

10. Танланма тўпламни шакллантиришда тўлдирилган саволномалар натижасида олинadиган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси ҳисобга олинади. Танланма тўпламни шакллантириш учун асос сифатида ўрганиладиган маҳсулот турларини етиштирувчи ва ўрганиладиган турдаги моллар ва паррандалар бош сони мавжуд бўлган барча фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг сонидан (бош тўплам (G)) фойдаланилади.

11. Фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш ҳар бир кузатув даври учун алоҳида амалга оширилади, бунда электрон рўйхат ҳудудий статистика органларига юборилади ва Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига ҳамда дастурий таъминотга жойлаштирилади.

§ 1. Биринчи кузатув даври учун фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш

12. Биринчи кузатув даври учун фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантиришда деҳқончилиқ маҳсулотларини етиштиришдаги мавсумийлиқ омиллари ҳисобга олинади.

Йилнинг январь-март ойларида, яъни биринчи чорагида баҳорги экинларни экиш энди бошланаётган бўлади. Бу даврда деҳқончилиқ маҳсулотларини етиштириш билан ёпиқ ерлари мавжуд фермер хўжаликлари шуғулланади. Шунинг учун, деҳқончилиқ бўйича фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантиришда шакллантириладиган рўйхатга фақат ёпиқ ерлари мавжуд бўлган хўжалиқлар киритилади.

Бундан ташқари, рўйхатга картошка ва сабзавот экинларининг эрта пишар навлари экин майдонлари мавжуд бўлган фермер хўжаликларини киритиш мумкин.

13. Кузатувлар учун рўйхатни тузишда фермер хўжаликлари кўрсаткичларнинг ўсиб бориши тартибида (ранжирланади) тақсимланади (шартли мисоллар 1-, 2-, 3-иловаларда кўрсатилган).

Тартибланган қатор бу – танланманинг ўрганилаётган белгилари айрим бирликларини ўсиб ёки камайиб борувчи тартибда тақсимлашдир. Тартиблаш миқдорий белгиларни гуруҳлар бўйича осон ажратиш, энг кичик ва энг катта белгиларни дарҳол аниқлаш, энг кўп такрорланаётган белгиларни ажратиш имконини беради.

Дехқончилик бўйича танлаш асослари:–

Тўплам 1 – ёпиқ ер (иссиқхоналар, парниклар) майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 2 – картошка экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 3 – сабзаёт экинлари экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Чорвачилик бўйича танлаш асослари:

Тўплам 4 – йирик шохли қорамоллари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 5 – сизирлар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 6 – қўй ва эчкилар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 7 – чўчкалар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 8 – отлар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 9 – паррандалар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 10 – овланган балиқлар ҳажми мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Демак, биринчи даврда фермер хўжаликларини кузатиш учун ўрганиладиган кўрсаткичларнинг сонига мувофиқ 10 та тўплам шакллантирилади.

14. Биринчи кузатув даври учун бош тўпламдаги фермер хўжаликларининг сонини аниқлаш учун тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига кўра фермер хўжаликлари томонидан статистика органларига тақдим этилган “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” давлат статистика

хисоботи, ҳамда Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотларидан фойдаланилади.

§ 2. Иккинчи кузатув даври учун фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш

15. Йилнинг учинчи чорагида қишлоқ хўжалиги экинларини очик ерлардан ялпи йиғиб олиш бошланади, шунинг учун иккинчи кузатув даври учун фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш пайтида мавсумийлик омиллари салбий таъсир қилмайди.

16. Кузатувлар учун рўйхатни тузишда фермер хўжаликлари кўрсаткичларнинг ўсиб бориши тартибида тақсимланади (шартли мисоллар 2- ва 3-иловаларда кўрсатилган).

Деҳқончилик бўйича танлаш асослари:

Тўплам 1 – дон ва дуккакли дон экинлари, жами (рўйхат ҳар бир ўрганиладиган экин турлари мавжуд хўжаликлар бўйича алоҳида тузилади, яъни, алоҳида бошоқли дон экинлари, буғдой, маккажўхори дон учун; алоҳида шоли учун, алоҳида дуккакли дон экинлари учун) экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 6 – картошка экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 7 – сабзаёт экинлари экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 8 – озиқбоп полиз экинлари экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 9 – мевалар ва резаворлар майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 10 – токзорлар майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Чорвачилик бўйича танлаш асослари:

Тўплам 11 – йирик шохли қорамоллари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 12 – сигирлар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 13 – қўй ва эчкилар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 14 – чўчқалар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 15 – отлар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 16– паррандалар бош сони мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 17 – овланган балиқлар ҳажми мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Тўплам 18 – олинган асал ҳажми ёки асалари уялари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати.

Демак, иккинчи кузатув даврида фермер хўжаликларини кузатиш учун ўрганиладиган кўрсаткичларнинг сонига мувофиқ 18 та тўплам шакллантирилади.

17. Иккинчи кузатув даври учун бош тўпламдаги фермер хўжаликларининг сонини аниқлаш учун жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра фермер хўжаликлари томонидан статистика органларига тақдим этилган “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” давлат статистика ҳисоботи, ҳамда Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотларидан фойдаланилади.

§ 3. Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан фермер хўжаликларини танлаш

18. Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан фермер хўжаликларини танлаб олиш 1-жадвал ёрдамида амалга оширилади, бу ерда фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпламдаги сонига боғлиқ равишда гуруҳлаш, фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпламдаги сонига боғлиқ равишдаги танлаш фоизи, танланма тўпламдаги фермер хўжаликларининг сони, танлаш оралиғи (қадами) келтирилган.

Танлаш оралиғи бош тўпламдаги бирликлар сонини танланма тўпламдаги бирликлар сонига бўлиш орқали қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисобланади:

$$\left(a = \frac{N}{n}\right),$$

бу ерда, a - танлаш оралиғи (қадами);

N - бош тўпلامдаги бирликлар сони;

n - танланма тўпلامдаги бирликлар сони.

19. Танланма сонининг кўпайиши танланма хатоликларининг камайишига олиб келади. Агар танланма сонини бош тўпلام сонигача олиб борилса, танланма хатоларини нолгача олиб келиш мумкин, танланма сонини ҳаддан ташқари камайитириш танланма хатоларининг кўпайишига олиб келади. Бироқ, танланма фоизини ошириш иш ҳажмининг кўпайишига олиб келади, кўшимча харажатларни ва кўшимча вақт сарфлашни келтириб чиқаради.

1-жадвал

Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан фермер хўжаликларини танлаш

Т.р..	Фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпلامдаги (G) сонига (N) боғлиқ равишда гуруҳлаш, бирлик	Фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпلامдаги (G) сонига (N) боғлиқ равишда танлаш фоизи (w)	Танланма тўпلامдаги фермер хўжаликларининг сонига (n) (G дан), бирлик (<i>гр. 4 = 2 / 100 * 3</i>)	Танлаш қадами (интервал) (a) $(a = \frac{N}{n})$ (гр.5 = 2 / 4)
1	2	3	4	5
1	1 - 100	50,0	50	2
2	101 - 150	35,0	53	3
3	151 - 200	25,0	50	4
4	201 - 250	20,0	50	5
5	251 - 300	17,0	51	6
6	301 - 350	15,0	53	7
7	351 - 400	13,0	52	8
8	401 - 500	11,0	55	9
9	501 - 600	9,0	54	11
10	601 - 700	8,0	56	13
11	701 - 800	7,0	56	14
12	801 - 1100	5,0	55	20
13	1101 - 1400	4,0	56	25
14	1401 - 1700	3,0	51	33
15	1701 ва юқори	2,9	49	34

20. Танланма хатоларининг олдини олиш ёки камайтириш мақсадида, кузатувларни ўтказиш учун фермер хўжаликларини танлаш пайтида танлов фоизининг оптимал варианты танланади, бунинг учун 1-жадвал маълумотлари хизмат қилади.

21. Туман ва шаҳарларда фермер хўжаликлари сонининг ҳар хиллигини ҳисобга олиб, танланма тўпلامни шакллантиришда танлаш фоизи тегишли тумандаги ёки шаҳардаги уларнинг сонига мутаносиб равишда аниқланади, бунда барча туман ва шаҳарларда кузатиладиган фермер хўжаликларининг тенг миқдордаги сони таъминланади.

Масалан, туманда буғдой экин майдонлари мавжуд жами 662 бирлик фермер хўжаликлари мавжуд (бош тўплам), 1-жадвал маълумотлари бўйича мазкур туманда битта даврда кузатув ўтказиш учун танлаш фоизи 8,0 фоизни ташкил қилади, шу тарзда кузатувларни ўтказиш учун туман бўйича $53 (662 / 100 \times 8,0 = 53)$ бирлик хўжалик (танланма тўплам) танлаб олинади. Бундай ҳолатда танлаш қадами $(662 / 53 = 13)$ 13 ни ташкил қилади, бунда танлаш бошида рўйхатга “1” - тартиб рақами билан киритилган хўжалик танланади ва кейин ҳар 13-хўжалик танланади.

22. Кузатувларни ўтказиш учун фермер хўжаликлари сонини аниқлаш тамойиллари 1 ва 2- жадвалларда ифодаланган.

23. Ҳар бир бош тўплам учун танлашнинг бошланиши биринчи танлов оралиғи (интервал)нинг ўртасидир. Танлаш танловга “1” тартиб рақами билан киритилган хўжаликдан бошланади ва кейин танлаш оралиғи (интервал)га мувофиқ амалга оширилади (1-жадвал).

24. Агар рўйхатнинг охирида бир нечта хўжалик қолиб кетса ва уларнинг сони танлаш оралиғининг ярмига тенг ёки катта бўлса, унда рўйхатдаги охирги хўжалик танловга киритилади. Агар қолдиқ танлаш оралиғининг ярмидан кичик бўлса, унда охирги хўжалик танловга киритилмайди.

25. Бундан ташқари, 1-жадвалга қўшимча равишда, туман ёки шаҳарлардаги ёпиқ ер майдонлари (иссиқхоналар, парниклар) мавжуд бўлган фермер хўжаликлари сонининг камлигини ҳисобга олиб, шунингдек, танланма кузатув натижасида олинadиган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида биринчи кузатув даврида тартибланган рўйхатдан кузатувлар учун фермер хўжаликларини танлаш 2-жадвал ёрдамида амалга оширилади.

**Ёпиқ ер майдонлари (иссиқхоналар, парниклар) майдони
мавжуд фермер хўжаликларини тартибланган
рўйхатдан кузатувлар учун танлаш**

Т.р..	Фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпламдаги (G) сонига (N) боғлиқ равишда гуруҳлаш, бирлик	Фермер хўжаликларини уларнинг бош тўпламдаги (G) сонига (N) боғлиқ равишдаги танлаш фоизи (w)	Танланма тўпламдаги фермер хўжаликларининг сони (n) (G дан), бирлик (<i>гр. 4 = 2 / 100 * 3</i>)	Танлаш қадами (интервал) (a) $(a = \frac{N}{n})$ (<i>гр. 5 = 2 / 4</i>)
1	2	3	4	5
1	1 - 200	100,0	200	-
2	201 - 300	65,0	195	2
3	301 ва юқори	50,0		

26. Ҳар бир тўплам бўйича тартибланган рўйхат тузилганидан, танлаш фоизи, танланма тўпламдаги фермер хўжаликларининг сони, танлаш оралиғи (қадами) аниқланганидан кейин ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида кузатувлар учун фермер хўжаликларининг якуний рўйхати (**танланма тўплам (n)**) тузилади.

Якуний рўйхатда фақат кузатувлар ўтказилиши лозим бўлган фермер хўжаликлари қолдирилади.

Якуний рўйхат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тузилади (шартли мисол 4-иловада кўрсатилган).

Якуний рўйхатга битта фермер хўжалиги бир нечта марта ўрганиладиган турли кўрсаткичлар бўйича тушиши мумкин.

III боб. Тайёргарлик ишлари

27. “Давлат статистика ишлари дастури” ва “Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган, тайёргарлик тадбирлари ва кузатувларнинг бориши мониторингини ўтказиш муддатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар статистика бошқармалари томонидан таъминланади.

Тайёргарлик ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ҳамда шаҳарлар даражасида электрон рўйхатга қўшилган барча

фермер хўжаликларига хабарнома етказиш, саволномани тўлдириш бўйича кўрсатмалар бериш, шунингдек, кузатувнинг мақсади, вазифалари ва уни ўтказиш муддатлари тўғрисида тушунтиришлар бериш ишларини ўз ичига олади.

IV боб. Ахборотларни йиғиш

28. Ахборотларни йиғиш, қатъий равишда кузатувлар учун танлаб олинган фермер хўжаликларини қамраб олган ҳолда барча туман ва шаҳарлар бўйича амалга оширилади.

29. Саволномалар фермер хўжаликлари томонидан қоғоз кўринишида тақдим этилганда бирламчи маълумотларни дастурга киритиш туман, шаҳар статистика бўлимлари ходимлари томонидан махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

30. Юқори фоизда саволнома саволларига жавоб берилмаслиги кузатувлар натижасига салбий таъсир кўрсатишини ва натижада маълумотларнинг тўлиқлиги принципи бузилишига олиб келишини ҳисобга олиб, ҳудудий статистика органлари фермер хўжаликлари томонидан жавобларнинг энг юқори фоизини таъминлашлари учун уларга тегишли тавсиявий тушунтиришлар беришлари лозим.

31. Фермер хўжалиги саволномани тўлдиришдан бош тортган ҳолларда танловга қўшилган фермер хўжаликларини алмаштиришга йўл қўйилмайди.

V боб. Маълумотларни қайта ишлаш

32. Кузатув натижасида олинган ахборотлар, стандарт дастурий воситаларни қўллаш орқали қайта ишланади.

33. Кузатув натижаларини таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда уларга тузатишлар киритиш ишлари бажарилганидан сўнг маълумотларнинг бирламчи базаси ва фермер хўжаликлари рўйхати, ҳудудий статистика органлари томонидан Давлат статистика қўмитасига юборилади.

VI боб. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш

34. Фермер хўжаликлари кузатуви натижасида олинган маълумотларни бош тўпламга тарқатиш, туман, шаҳар даражасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича автоматлаштирилган тарзда Давлат

статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

35. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тартибланган рўйхатга мувофиқ, фермер хўжаликларининг сонига нисбатан туман ва шаҳарлар бўйича танлов фоизига мутаносиб равишда амалга оширилади (шартли мисоллар 5-иловада кўрсатилган).

Масалан, **Тўплам 1** – буғдой экин майдонлари мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган туман рўйхатига 662 бирлик фермер хўжаликлари киритилган, шундан, кузатувлар учун 8,0 фоиз хўжалик ёки 53 бирлик танлаб олинган.

Кузатув ўтказилган 53 хўжалик бўйича умумий ҳажмда 265 центнер дон экинлари ҳосили олинган (q).

Йиғиб олинган дон экинлари ялпи ҳосили бўйича танланма тўплам маълумотларини бош тўпламга (G) тарқатиш қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

$$Q = \frac{q * 100}{w},$$

бу ерда Q – бош тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

q – танланма тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

w – бош тўпламдан (G) танланма тўпламдаги хўжаликларнинг танлаш фоизи.

$$Q = \frac{265 * 100}{8,0} = 3312,5 \text{ центнер.}$$

Демак, кузатув натижаларига кўра, туман бўйича бош тўпламдаги дон экинларининг ялпи ҳосили баҳолашга кўра 3312,5 центнерни ташкил қилади.

36. Шу тарзда, кузатув маълумотлари бошқа тўпламларнинг тартибланган рўйхати бўйича алоҳида бош тўпламга тарқатилади.

VII боб. Маълумотларни чоп этиш ва тарқатиш

37. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувлари натижалари бўйича умумий маълумотлар таҳлилий статистик жадваллар кўринишида, шунингдек, фойдаланувчиларнинг сўровлари, халқаро ташкилотлар сўровномалари бўйича тарқатилади ва Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтига жойлаштирилади.

Фермер хўжаликлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
1-илова

Тўплам 1 – ёпиқ ер (иссиқхоналар, парниклар) майдонлари
мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати
(бош тўплам, G, Gдаги хўжалиklar сони, N)

(шартли мисол)

Т/р.	Фермер хўжаликларининг номи	ИФУТ	Умумий майдони, м², ўсиб боровчи тартибда
1			1
2			2
3			3
4			4
5			5
6			6
7			7
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
160			14994
161			14995
162			14996
163			14997
164			14998
165			14999
166			15000

Изоҳ: фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича туман ва шаҳарлар кесимида тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
2-илова

Тўплам 2 – бугдой экин майдонлари
мавжуд фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати
(бош тўплам, G, Gдаги хўжаликлар сони, N)

(шартли мисол)

Т/р.	Фермер хўжаликларининг номи	ИФУТ	Бугдой экин майдонлари, гектар, ўсиб борувчи тартибда
1			1
2			2
3			3
4			4
5			5
6			6
7			7
n			...
n			...
n			...
n			...
110			14
111			15
112			16
113			17
114			18
115			19
116			20

Изоҳ: фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
3-илова

**Тўплам 3 – йирик шохли қорамоллар бош сони мавжуд
фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати
(бош тўплам, G, Gдаги хўжаликлар сони, N)**

(шартли мисол)

Т/р.	Фермер хўжаликларининг номи	ИФУТ-2	Йирик шохли қорамоллар бош сони, бош, ўсиб борувчи тартибда
1			1
2			2
3			3
4			4
5			5
6			6
7			7
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
n			...
110			2424
111			2425
112			2426
113			2427
114			2428
115			2429
116			2430

Изоҳ: фермер хўжаликларининг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган моллар тури ва паррандалар бўйича тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
4-илова

Кузатувлар учун танлаб олинган бўғдой экин майдонлари
мавжуд фермер хўжаликларининг якуний рўйхати
(танланма тўплам, *n*)

(шартли мисол)

Т/р.	КТУТ	СТИР	Фермер хўжаликларининг номи	ИФУТ -2
1				
2				
3				
4				
51				
52				
53				

Изоҳ: якуний рўйхат, яъни танланма тўплам, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низомга
5-илова

**Танланма тўплам маълумотларини оддий усулда, танлаш фоизига
мутаносиб равишда бош тўпламга тарқатиш ҳисоб-китоби мисоли**

(дон экинлари асосида) ^{*)}

(шартли мисол)

Т/р.	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар	Ҳисоб-китоблар	Формулалар
1	(N), туман бўйича бош тўпламдаги (G) хўжаликлар сони, бирлик	662	-	N
2	Бош тўпламдан (G) танланма тўпламга хўжаликларни танлаш фоизи	8,0	-	w
3	Бош тўпламдан (G) танланма тўпламдаги хўжаликларнинг сони (n), бирлик	53	$3 = 2 \times 1 / 100$	$n = \frac{w * N}{100}$
4	Танланма тўпламдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер	265,0	-	q
5	Бош тўпламдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер	3312,5	$5 = 4 \times 100 / 2$	$Q = \frac{q * 100}{w}$

Изоҳ: ^{*)} Шу тарзда, кузатув маълумотлари бошқа тўпламларнинг тартибланган рўйхати бўйича алоҳида бош тўпламга тарқатилади.